

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МОЛИЯ-ИҚТИСОД ФАКУЛТЕТИ

“МОЛИЯ” КАФЕДРАСИ

НОРБОВЕВ ЎКТАМ

**«ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТДА
МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ»**

↑

Ѕ340600 -“Молия”- таълим юналиши бўйича бакалавр даражасини ўлиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

«ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ»

«Молия» кафедраси мудири

_____ и.ф.н.,доц.К.Шарифходжаева

« ____ » _____ 2012 й.

Илмий раҳбар: _____ Ғ.Яхшибоев

МУНДАРИЖА

Бетлар

Кириш

I БОБ. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, ЎЗИГА ХОС-ХУСУСИЯТЛАРИ ВА БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИДА ТУТГАН ЎРНИ

- 1.1. Бозор муносабатлари шароитида мулк муносабатлари солиққа тортишнинг объекти сифатида*
- 1.2. Мол-мулк солигининг иқтисодий моҳияти ва бюджет даромадларини шакллантиришидаги ўрни*

II БОБ. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ ВА БЮДЖЕТГА ТЎЛАШ МЕХАНИЗМИ ТАҲЛИЛИ

- 2.1. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби таҳлили*
- 2.2. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби таҳлили*

III БОБ. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ ВА БЮДЖЕТГА ТЎЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

- 3.1. Мол-мулк солиғи амал қилиш механизмнинг хорижий давлатлар тажрибаси*
- 3.2. Мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш механизмини такомиллаштириш*

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

Кириш

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг қарор топиши жамият ҳаёти барча жиҳатларини қамраб олувчи чуқур ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар билан биргаликда кечмоқда. Нисбатан туб ўзгаришлар, энг аввало, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик масаласига дахлдордир. Мазкур воситалардан фойдаланиш, уларга эгалик қилиш ва уларни тасарруф этишда давлат мулкидан нодавлат мулкчилигининг хилма-хил шаклларига ўтиш жараёни бормоқда. Мулкчилик шаклларининг турли-туманлиги ва муайян қисмининг хусусий

мулкка эришиши – бу, бозорнинг табиий иқтисодий негизидир. Мулк ҳамиша ва ҳамма жойда асосий базис масала бўлиб, ҳар қандай жамиятда у ўта манфаатдорлик билан идрок қилинган. Мулкни марказлаштиришдан ҳоли қилиш – мустақил мамлакатлар иқтисодий ҳаётининг тузилмасида рўй берувчи худди шундай жараёнлар билан тўғридан-тўғри боғлангандир.

Жамият ва иқтисодиётни янада ривожлантириш стратегиясининг моҳиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қилган маърузасида таъкидлаганидек: “.... сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги эркинлаштириш, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш ташкил этади”.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш давлатнинг солиқ сиёсатиға ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, унга муқаррар равишда таъсир кўрсатади. Мустақилликнинг ўн беш йили мобайнида яратилган тамомила янгича солиқ тизими ўзгармасдан, қотиб қолган тарзда қолиши мумкин эмас. У жўшқин механизм бўлиб, ривожланиб ва узлуксиз такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистонда солиқ тизимини ривожлантириш мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар билан биргаликда амалға оширилмоқда. Солиқ сиёсати қайтадан талқин этилмоқда. Бу ҳол солиқ тартибининг ўзгаришидан ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг асосий устувор йўналиши сифатида солиқ сиёсатини эркинлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари И.Каримовнинг куйидаги фикрлари эътиборға лойиқдир: “Биринчи навбатдаги ҳал қилувчи асосий вазифа - бу солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат”.

Солиқ сиёсатини эркинлаштириш солиқ тизмининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган мол-мулк солиғини ҳам такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Мол-мулк солиғи бозор иқтисодиётига ўтиш даврида фақатгина давлат бюджетини маблағ билан таъминлаш вазифасини бажарибгина қолмай, солиқ тўловчининг ўзини мулкдор деб хис қилишға таъсир кўрсатувчи омил вазифасини ҳам бажаради ва моддий жиҳатдан таъминлашға имкон беради.

Мол-мулк солиғини бюджетға ундириш усулларининг назарий жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаганлиги амалиётда улардан самарали фойдаланиш жараёнида муайян даржада тўсқинлик қилмоқда. Маълумки, мулк бир жисмоний ёки юридик шахснинг маълум бир даврда эға бўлган бойлиқарига дахлдор барча иқтисодий қийматликларнинг пулдаги ифодасидир.

Мол-мулк солиғи қадимдан ундирилиб келинаётган солиқлардан бири ҳисобланади. Қадимда мол-мулк солиғи “закот” деб аталган. “Закот” энг муҳим солиқ тури бўлиб, уни тўлаш ҳар бир мусулмон бажариши лозим бўлган беш асосий фарз сирасига кирган. Мол-мулк солиғи давлатға даромад таъминлаш функцияси билан бирға даромад ва тақсимотдаги номутаносибликни йўқотишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бозор иқтисодиёти қарор топган мамлакатларнинг қонунчилигида мулк муносабатларини характерловчи ҳуқуқий меъёрларға нисбатан катта эътибор берилади. Иқтисодиётда эса, бу меъёрлар мулк объектларига эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш тушунчаларини билдиради.

Мол-мулк солиғи юридик ва жисмоний шахсларнинг маълум бир даврда эга бўлган, хусусан, қўзғалмас ва қўзғалувчан мулкларини тўла ёки маълум бир қисмини қийматидан олинадиган тўғри солиқдир.

Ўзбекистонда ҳозирги даврда мол-мулк солиғи маълум бир мол-мулк элементларидан олинади. Юқорида айтиб ўтганимиздек мол-мулк солиғи маҳаллий бюджетга ундириладиган асосий солиқлардан биридир. У фискал функцияни бажариб давлат бюджети даромадларини тўлдиради.

Шундай қилиб, бу солиқнинг аҳамияти давлат бюджетининг манфаатдорлигидадир. Шундай экан битирув малакавий ишимиз предметини бюджет билан солиқ тўловчилар ўртасида бўладиган солиқ муносабатлари, олинадиган солиқ бўйича туман давлат солиқ инспекцияси ва солиқ субъектлари ҳамда солиқ объектлари ўртасида вужудга келадиган солиқ муносабатлари ва бошқа ижтимоий–иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Республикамиз солиқ тизимида мол-мулк солиғини солиққа тортиш механизмидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш ва уларни ўрганиб чиқиб фикр ва мулоҳазалар билдириш битирув малакавий ишимиз мавзусининг ҳозирги кундаги долзарблигини билдиради. Битирув малакавий ишимизнинг мақсади ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида мол-мулк солиғини солиққа тортилиш механизмини таҳлил қилиш асосида унда мавжуд камчиликларни аниқлаш ва ушбу солиқнинг бир вақтнинг ўзида давлат бюджетининг даромадларини шакллантириши борасида ва солиқ тўловчи субъектлар манфаатлариги оптимал мос келувчи механизмни яратишни такомиллаштириш масалалари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг таркиби кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асослаб берилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида мол-мулк солиғининг иқтисодий моҳияти, ўзига хос-хусусиятлари ва бюджет даромадларида тутган ўрни изоҳланади.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш механизми таҳлил қилинади.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш механизмини такомиллаштириш йўллари атрофлича ўрганилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса қисмида мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилган хулосалар баён қилиниб, таклиф ва тавсиялар умумлаштирилган.

I Боб. Мол-мулк солиғининг иқтисодий моҳияти, ўзига хос-хусусиятлари ва бюджет даромадларида тутган ўрни

1.1. Бозор муносабатлари шароитида мулк муносабатлари солиққа тортишнинг объекти сифатида

Жамият тараққиётининг барча босқичларида давлатнинг мулк масалаларини ҳал этишга муносабати катта аҳамиятга эга бўлган. Яқин вақтга қадар, собиқ

Иттифоқ даврида, мулк муносабатлари фақат ҳукукий усуллар воситасида тартибга солиб келинган. Мулк давлат тассаруфида эди, у мулкнинг эгаси ҳисобланарди. Мустақилликка эришгач давлат мулки хусусийлаштирила бошланди.

Мулк деганда унумли ва унумсиз истеъмол буюмларини одамлар томонидан ўзлаштиришнинг тарихан белгиланган ижтимоий усули тушунилади. Мулк объекти ижтимоий қадриятни ташкил этиши ҳамда ўзида талон тароҷ қилиниши, ўзлаштирилиши ва унга ўхшатиб ясалишига қарши иммунитетга эга бўлиши керак.

Одамлар фаолиятининг ўзи, мақсад ва далиллари бевосита мулк муносабатларидан келиб чиқади. Бу муносабатлар кишиларнинг фаолият ресурслари билан у унинг маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмол этиш бўлсин, бундан қатъий назар, алоқасини бевосита ифодалайди. Мулк жисмоний ва юридик шахсларнинг ресурслар ва улардан фойдаланиши натижаларини тасарруф этишларини чегаралайди. Бунда мулкчилик ҳуқуқи ҳимоя воситаси ролини ўйнайди. Мулк мафкуравий муносабат сифатида ҳуқуқ меъёрларида мустаҳкамланган юридик фавқулодда ходисадир.

Инглиз ҳуқуқшуноси А.М.Оноре мулк ҳуқуқини нисбатан тўла таснифлар экан, қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатади:

- эғалик (буюмлар устидан фақат жисмоний назорат);
- фойдаланиш (буюмларни шахсан тасарруф қилиш);
- бошқариш (буюмлардан ким томонидан ва қандай фойдаланиш лозимлигини ҳал қилиш);
- даромад олиш (буюмлардан аввалдан шахсан фойдаланиб келинганликдан ёхуд бошқа шахсларга улардан фойдаланишга рухсат беришдан);
- буюмларни бировларга ўтказиш, истеъмол қилиш, беҳудага сарфлаш, ўзгартириш ёки йўқ қилиш;
- буюмлар мажбурий тортиб олинмаслигининг дахлсизлигини таъминлаш;
- буюмларни ҳоҳлаганча бериш;
- муддатсизлик;
- буюмларни зарарли ишлатишни чеклаш;
- жавобгарлик (буюмларни қарзни тўлаш учун тортиб олиш эҳтимоли);
- бузилган қонуний ҳуқуқни қайта тиклаш.

Бозор иқтисодиёти қарор топган мамлакатларнинг қонунчилигида мулк муносабатларини характерловчи ҳуқукий меъёрларга нисбатан катта эътибор берилади. Иқтисодиётга оид адабиётларда эса, бу меъёрлар мулк объектларига эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш тушунчаларидан нарига ўтилмайди.

Мулк объектлари улар эгалари (мулкдорлар)нинг талаб-эҳтиёжларини бевосита қидириш мақсадларига хизмат қилиш мумкин. Бунда у истеъмол буюмига айланади. Аммо шундай мураккаб ҳолатлар бўладик, уларда эҳтиёжлар ишлаб чиқариш фаолияти орқали қондирилиб, асосий омиллар (ишлаб чиқариш воситалари, ер, сармоя, технологик билимлар ва ҳоказо) мулкдорлар томонидан ўзлаштирилади. Бу нарса уларга аҳоли қолган

қисмининг эҳтиёжларини тартибга солиш имконини беради, одамларни эса мулкдорларнинг мафаатлари йўлида меҳнат фаолияти билан шуғулланишга ундайди. Ҳар қандай жамиятда ижтимоий субъектнинг эҳтиёжларини қондириш имконияти унинг бошқа ижтимоий субъектларга бўлган муносабатига боғлиқдир, бунда уларнинг муносабатлар тизимида тутган ҳақиқий мавқеидан келиб чиқиладики, мулк муносабатлари уларнинг асосийси ҳисобланади.

Шундай қилиб, мулк муносабатлари табиий ва ижтимоий кучлардан муайян объектлар ажралиб чиққан ва уларга шу объектлар эгалари (мулкдорлар)нинг ҳуқуқлари мустаҳкамланган пайдан бошлаб вужудга келади.

Шу билан бирга мулк ҳуқуқи турли ижтимоий субъектларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги натижасида чекланади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитларида ижтимоий субъектлар ўртасидаги муносабатлар негизини улардан ҳар бирининг ўз манфаатларини ягона сиёсий-иқтисодий тизим доирасида рўёбга чиқаришга интилиши ташкил этади. Мазкур негиз улар фаолиятини барча субъектларини ижтимоий-иқтисодий мақомини сақлаб қолиш ва манфаатлар консенсуси асосида бир бутун қилиб бирлаштиради. Демак, мулк ҳуқуқи давлат муҳофазасида, мулкдор ўз шартларин бошқа ижтимоий субъектларга, биринчи навбатда, хўжалик фаолияти соҳасида мажбуран қабул қилдиришга уринмагунча бўлади.

Рухшунослик нуктаи назаридан олганда, мулкдор шахсдир. Уни бирон-бир нарсага эришиши, ўз мавқеини аниқлаб олиш ва мустақилликни қўлга киритишга қаратилган муайян сабаблар ҳаракатга келтиради. "... Мулк ҳақиқий эгаси қўлига ўтиши керак, - деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов - Одамлар онгига мулкка эгалик ҳиссини сингдириш лозим".

Иқтисод фани нуктаи назаридан қараганда, мулкдорларнинг хўжалик фаолияти сармоя воситасида хўжалик соҳасига кириш ва унда қарор топиш орқали капитални кўпайтириш учун амалга оширилади. Мулкдор минг монопол бўлмасин, танҳо хўжалик субъекти бўла олмайди. У жамият ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан муносабатларда уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва рақобатчилиги шароитларида комплекс шаклида такрор ҳосил этилади.

Мулкдорнинг бутун доираси ичида жамиятда ишлаб чиқариш воситаларига эга шахслар гуруҳини бирлаштирувчи мулкдорлар синфи муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Мулкдорлар синфини ўрганиш - ушбу ҳодисага хос бўлган бир қатор аниқ-равшан ҳодисаларни - мулкдорлар синфини ташкил этувчи одамлар гуруҳининг тузилмаси ва динамикасини тадқиқ этишни тақоза қилади. Мулкдорлар синфининг табақаланиши мулк субъектлари ўзи томонидан - унинг ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқариш мақсадидаги истеъмолни мўлжаллаб - одамларнинг бир-бирлари билан ўзаро, мулкдорлар синфига кирмайдиган шахслар, гуруҳлар ва қатламлар ила ҳамжиҳатлиги шакллари билан; гуруҳлар булиб қарорлар қабул қилишнинг усуллари, ижтимоий йўл-йўриқлар ва айрича

дунёқарашларни шакллантириш билан; мулкдорлар синфини ифодаловчи аниқ-равшан ижтимоий ва иқтисодий муассасалар ва ҳоказолар билан белгиланади.

Мулкдор мулкдан ўзи томонидан ҳам, шунингдек, ёлланма асосида бошқа фуқароларни жалб қилиш орқали фойдаланиши мумкин. Мулкдор ўз мол-мулкни хўжалик юритиш мақсадида тўла тўқис бошқа шахсларга бериши мумкин, бунда мулкни тасарруф қилиш ҳамда хўжалик фаолияти натижасида олинган даромадни тақсимлаш тартибини белгилайди. Мулкдор ўз мол-мулки даражасида солиқ ва кредит мажбуриятлари, имзоланган шартномалар ижроси учун, бошқа субъектларнинг мулкӣ ҳуқуқлари бузилганлиги, меҳнатнинг хавфсизлик шартларига риоя этилмаганлиги, одамлар соғлигига зарар келтирувчи маҳсулотларни сотганлик, атроф муҳитни ифлослантирганлик, шунингдек, монополияга қарши қонунлар бузилганлиги учун жавоб беради. Ҳуқуқга зид хатти-ҳаракатлар хўжалик фаолиятининг суд орқали тўхталишига олиб келиши мумкин. Мулкӣ даъволар мулк ворисларига ҳам, лекин меросга қоладиган мулк миқдорида, қўлланилади.

Хўжалик юритиш натижалари, агар улар амалга ошириладиган тарихий шаклларида ажратилган ҳолда кўриб чиқилса, мазкур натижалар ўзида ҳам моддий-табӣӣ, ҳам ижтимоӣ-иқтисодӣ муҳитдаги муайян ўзгаришлар ва янгилинишларни ифодалайди. Жамият аъзоларининг ҳаёт кечириши ва хўжалик субъектлари учун зарур бўлган буюмлар ва шарт-шароитлар хўжалик юритиш натижаларига айланади. Хўжалик субъектининг ўз эҳтиёжларини қондиришга интилиши унинг жамиятнинг ижтимоӣ-иқтисодӣ ўз-ўзини қарор топтиришга йўналтирилганлигида кўринади. Мақсадга эришиш бевосита ишлаб чиқаришнинг турли омилларини, жумладан, ҳам мулкка эгаликни, ҳам ижтимоӣ-иқтисодӣ унсурларини хўжалик юритувчи субъект эҳтиёжларига ижодӣ жиҳатдан мувофиқлаштиришда намоён бўлувчи ижодӣ лаёқатни ривожлантириш билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда қонун йўли билан руҳсат этилган тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мулкдорларга ўз мол-мулкларидан фойдаланишда, хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва унинг натижаларини тақсимлашда тўла эркинлик берилган.

Меҳнатнинг моддий ва тафаккур қуроллари ривожланиши - одамлар борган сари кўпроқ ишлаб чиқарувчи мулкдорга айланиш имкониятига эга бўладигани, ўзаро бирлашадиган тамойили мавжудлигидан далолатдир. Бу - инсоннинг мулкни сотиб олишга ва демакки, зўравонликка қарши эркинликка эмас, тартибга солинган эркинликка эришишга бўлган интилишларига жавоб беради.

Бозор муносабатларининг тадрижий ривожланиши шунга олиб келдики, мулкдорлар синфи борган сари кўпроқ ижтимоӣ масалалар билан шуғулланмоқда, меҳнатга лаёқатли ҳар бир киши учун ўз бизнесини юритиш, ҳар бир шахс ўз истеъдодини намоён қилиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. “Бу синф, - дея таъкидлаган эди юрт бошимиз, - иқтисодиётда боринки, мамлакат ҳаётида муҳим ўрин тутиш асосӣ таянч бўлиши керак.”

Ижтимоий функция хўжалик-иқтисодий фаолият билан мустақил шуғулланишга мойил шахслар қатламини шакллантиришда намоён бўлмоқда. Бунда ёлланма ходимлар қатламининг ўсиб бораётгани ижтимоий ва иқтисодий жихатдан хусусий мулкдорлар бунёд этган корхоналарнинг барқарор фаолияти билан боғлиқдир.

Ушбу тизимда жамият мулкдан ва меҳнат даромадларидан олинadиган даромадларини барабар қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради. У самарали солиққа тортиш негизда судхўрлик ва чайқовчилик йўли билан капитал тўпланишини рағбатлантирмаслиги, капиталнинг тижорат-воситачилик операциялари ўтказиладиган соҳалардан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инвестициялашга қайтишга кўмаклашиш керак. Бу - миллий иқтисодиёт самарадорлигини ўстириш вазифаларини ҳал этишга кўмаклашади.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида мулк муносабатлари солиққа тортиш объекти ҳисобланади. Бу эса бозор иқтисодиётининг моҳиятидан келиб чиқади. Яъни, бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма нарса сотилади ва сотиб олинади, бепул нарсанинг ўзи йўқ. Мулк муносабатларининг солиққа тортилиши Ўзбекиттон Республикасининг қонун-ҳужжатлари билан тасдиқлаб қўйилган.

Шундай қилиб, мулкларни солиққа тортишдан асосий мақсад, бозор иқтисодиёти шароитида солиқ тўловчиларни ўз эғалигида ёки фойдаланишида бўлган мулклардан оптимал фойдаланишга солиқлар орқали таъсир этиш.

1.2. Мол-мулк солиғининг иқтисодий моҳияти ва бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрни

Солиққа тортишга оид жаҳон фани ва амалиёти шундан далолат берадики, мол-мулк солиқларини вужудга келиши ва ривожланиши бутун тарихи мобайнида унинг вақт чегаралари билан эмас, балки ушбу солиқларнинг аҳамияти билан белгиланувчи даврларга шартли равишда бўлиш мумкин.

Мол-мулк солиғи аввалига солиқларнинг ягона тури бўлиб, амалда даромад солиғи сифатида юзага келган. Чунки ҳали даромад солиққа тортиш объекти бўла олмаганди. Даромад солиғининг жорий қилиниши ва у ривожланган сари мол-мулк солиқлари иккинчи ўринга тушиб қолади ва гўё даромад солиғининг қўшимчасига айланади. Бироқ мол-мулкка, даромаднинг ишончли ва мунтазам манбаларидан бири сифатида қаралган. Мулк эгаларининг ўзгариши билан солиқни ундириш усули ҳам ўзгариб борган. Кейинчалик мол-мулк солиғи ўзига хос махсус вазифани бажариб, бошқа даромадларга нисбатан ўзгача тарзда ундирилган.

Мол-мулклар (айниқса унинг кўчмас қисмини) солиққа тортиш вазиятли тўлов (рента) ундириш воситаси сифатида намоён бўлиб, муайян мулкка эғаликнинг ўзи ушбу мулкдан ва мулкдан фойдаланишга асосланган фаолиятдан даромад олиш учун мунтазам ва ўта қулай шарт-шаротларни ташкил қилган.

«Солиқларни ўйлаб топишдек ўта ижодий жараёндан бошлаб 14 асрдаёқ, жон бошига солиқ мол-мулк солиғи ва касб-хунар солиғи пайдо бўла бошлаган эди. Мол-мулк солиғи узоқ тарихга эга бўлиб, улар Юнонистонда «ейсфора», қадимги Римда - «трибутум цивииум» тарзида мавжуд бўлган. Улардан

фавкулоддалик касб этган ва ҳарбий харажатларни молиялашда фойдаланилган. Кейинчалик эса, мол-мулк солиғи давлатнинг доимий ва мунтазам даромад манбаига айланди.

Иқтисодчи олим В.Твердохлебов умумий мол-мулк солиғининг илк шаклини тавсифлаб, мол-мулк солиғи атамаси «... мулк ва даромад тушунчалари жамият ҳамда қонунчилик билан шуғулланувчи ҳокимият онгида фарқланмаган ўша даврда ҳали кўртак шаклидаги бевосита солиқларга тўла мос келмас эди, чунки мулк ва даромад ўртасидаги муносабат натурал даромаднинг аҳамияти ниҳоятда юқорилиги ҳамда хўжалик юритиш даврлари аниқ белгиланмаганлиги туфайли ҳаддан ташқари ноаниқ бўлган». Солиқ қанчалик даромад солиғи бўлса, шунчалик мол-мулк солиғи бўлиб, хўжаликларнинг умумий тўлов имкониятига асосланган эди. Солиққа тортиш субъекти бўлиб, айрим хўжалик бирлиги, ишлаб чиқарувчи, тадбиркор ва уй соҳиби ҳисобланарди.

Табиийки, аввалига жами мол-мулк мажмуига солинадиган солиқ моҳиятан ер солиғидан иборат бўлган. Бу ҳол ер ва деҳқончилик воситалари, хўжалик юритиш даражасининг кўрсаткичи сифатида, асосий бойлик (қийматлик) саналиб хўжалик фаровонлиги даражасини белгилаган. Бунда солиқни ҳисоблаб чиқаришда ер майдони, баъзан эса, сифати асос қилиб олинган.

Саноат ва савдо-сотик ривожланиши билан мол-мулк солиғи амалдаги ер солиғидан мол-мулкнинг барча турларига, яъни кўчма ва кўчмас мулкка солинадиган солиққа айланди. Мол-мулкнинг хилма-хил турлари юзага келиши туфайли солиққа тортишни табақалаштириш заруратини келтириб чиқаради. Кўчма капиталнинг пайдо бўлиши барча мол-мулкни солиққа тортишни анча қийинлаштирди. ҳукумат идоралари мол-мулк ва даромадларни баҳолаш учун етарли воситаларга эга эмасди, шу боис айрим объектларни алоҳида-алоҳида солиққа тортиш уларнинг манфаатига мос тушарди. Мол-мулк мажмуига солинадиган солиқ мол-мулк келтирадиган ҳар хил фойдани ҳисобга ола олмасди, у даромад келтирадиган ва даромад келтирмайдиган мол-мулкларни фарқламасди.

Буларнинг ҳаммаси ягона мол-мулк солиғининг парчаланишини ва унинг ер, мол-мулк, уй ва ҳунар солиқларидан иборат солиқлар тизимига айланишини кўзда тутарди.

Мол-мулкни солиққа тортишнинг энг кўхна турларидан бири ер солиғидир. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек давлатчилик ривожланишининг дастлабки даврларида мол-мулк солиқлари, қоидага мувофиқ у ёки бу мол-мулкка эга бўлган мулкдорнинг даромадга эришишига олиб келиши лозим эди. Даромад келтирувчи асосий, баъзан эса ягона манба ер ҳисобланарди. Уша пайтдаги қишлоқ хўжалиги экинларининг бир турдалиги, экинлар парваришининг жуда оддийлиги шароитида мулкда бўлган ернинг умумий майдони солиққа тортиларди.

Буюк бобокалонимиз, саркарда А.Темур давридаги солиқ тизимида ҳам ер ва мулк солиқлари мавжуд бўлганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Айнан шу вақтда хирож, молу жиҳот, қўналға, бож, пешкаш, совари ва шилон пули каби солиқлар амал қилиб, бўлардан “хирож”- асосий солиқ бўлиб, ернинг шароитига ва ер эгасининг жамиятда тутган ижтимоий-сиёсий мавқеъига қараб олинган ва

ҳосилнинг ўндан бир, тўртдан бир ёки учдан бир қисмини ташкил этган бўлса, “молу жиҳот” солиғи (арабча “мол”-даромад ва “жиҳот”-сабаб)- умуман солиқ, у пул ёки натура шаклида тўланиши мумкин бўлган.

Маълумки, тўғри солиқлар иқтисодий адабиётларда солиқ тўловчининг мулкӣ ва ижтимоӣ мавқеига кўра шахсий ва реал солиқларга бўлинади.

Шахсий солиқлар - солиқ тўловчининг мулкӣ ва ижтимоӣ аҳволига боғлиқ ҳолда белгиланадиган солиқлар бўлса, реал солиқлар - солиқ тўловчининг молиявий аҳволидан қатъий назар фаолият ёки товарларга, яъни мулк (хусусий мулк)ни сотиш, сотиб олиш, эғалик қилишга солинади. Тарихан реал солиқлар, бевосита солиқларнинг энг қадимги ибтидоӣ шаклида бўлган. Мол-мулк солиғи дастлаб асосан реал солиқлар шаклида амалиётда юзага келган. Бунда, қоидага кўра, мол-мулкнинг алоҳида турлари турли солиқлар: ер, мол-мулк уй, хунармандчилик ва пул сармояси солиқларига тортилган. Реал солиқлар асосида ташқи белгилар ётиб, улар ер майдонининг миқдори, қурилиш қиймати ёки унинг ижара тўлови ва бошқалар ташкил қилган. Реал солиқларда бир хил мол-мулкка эга бўлган шахслар, бир хил миқдорда солиқ тўлаганлар.

Демак, шахсий солиқлар солиқ тўловчи олинган ҳақиқий даромаддан тўланаса, реал солиқларга у ёки бу солиққа тортиш предмети ҳисобланган (кўчмас мулк)дан муайян иқтисодий шароитларда олинадиган тахминий ўртача даромад солиққа тортилади. Аввало реал солиқларга мол-мулк солиққа тортилиб, ва бундан уларнинг инглизча «real» номи келиб чиқади.

Таниқли рус тадқиқотчи А. Тривус реал солиқларга қуйидагича таъриф беради: «Реал солиқлар (у ёки бу объект - ер, корхона, уй, пул тарзидаги сармоя тўловчига таълуқлилиги омили бўйича) солиққа тортиладиган мулкнинг аниқ белгилари бўйича аниқланади, бу белгилар амалда тўловга қобиллик ҳақида эмас, балки меъёрий, «тахмин қилинадиган» тўловга қобиллик тўғрисида фикр юритиш имконини беради.».

Демак агар мол-мулкни солиққа тортиш реал солиққа тортиш тамойилига мувофиқ қурилган бўлса, унда ҳар бир алоҳида олинган мол-мулкнинг, умумий сони ва ҳажми, унинг умумий қийматидан қатъий назар ҳамда тўловчининг молиявий аҳволини ҳисобга олмасдан солиққа тортилади. Шахсий белгилар асосида қурилган мол-мулк солиғида эса, алоҳида олинган мол-мулк эмас, балки унинг умумий миқдори солиққа тортилади. Мол-мулк солиғидан ижтимоӣ эҳтиёжларни қондирувчи мол-мулк озод қилиниш мумкин.

Реал солиққа тортиш ун тўққизинчи асрнинг охири ва йигирманчи асрнинг бошларида устивор бўлиб, кенг миқёсда қўлланилган. Манна шу даврдаёқ олимлар унинг камчиликларини кўрсатиб бердилар. Хусусан, олим Г.Садовский бу ҳақда шундай ёзади: «Ер ва уй-жой солиғи энг бой соҳиблардан ҳам, на бир қарич ерга ва на қурилишнинг битта ғиштига ҳам эғалик қила олмайдиган шахслардан ҳам бир хил ҳажмдаги фоизларда ундирилган». Юқорида санаб ўтилган камчиликлар солиқ тўловчининг тўловга қобиллигини ҳисобга олувчи даромад солиғининг жорий этилиши ва ривожлантирилиши ҳамда унга қўшимча мол-мулк солиғи киритилиши билан бартараф этилди.

Реал солиқларни ҳисоблаб чиқаришда одатда мол-мулкнинг ўртача даромадлилиги асос қилиб олинади. Шу боис мулкдорларни солиққа тортишдаги

бир текислик кадастрлар (айниқса, ер кадастри) тизимига суянувчи яхши ташкил этилган баҳолашдагина таъминланиши мумкин. Бунинг учун корхоналар ва аҳолининг мол-мулкида кучли табақаланиш бўлмаслиги лозим. Бўлардан ташқари реал солиққа тортишдан маҳаллий солиқлар тизимида кўчмас мол-мулк эгаларини, маҳаллий хўжаликни ободонлаштириш ишларига харажат қилишдан «қочувчи»ларни кескин солиққа тортиш усули сифатида фойдаланиш мумкин. Бироқ, шахсий солиқлар иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан адолатли ҳисобланади. Бу фақат даромад солиғи (унинг шахсий солиқ сифатидаги моҳияти исботланган мол-мулк солиғига ҳам таалукдир. Корхоналар, аҳоли турли гуруҳларининг мулкӣ аҳволи бир-биридан кескин фарқланган ўтиш даври иқтисодиётида бу, аиниқса муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида биз мол-мулк солиғининг назарий жиҳатлари билан танишиб чикдик. Энди эса унинг фискалик аҳамияти, яъни бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрнини таҳлил этсак. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикаси бюджет даромадалари таркиби ва унда солиқларнинг салмоғи тўғрисида маълумотни келтирамиз:

1-жадвал

Давлат бюджети даромадлари таркиби ва тушум кўрсаткичлари* (2004-2007 йиллар)

Кўрсаткичлар	2004		2005		2006		2007 (прогноз)	
	млн.сўм	І-га нис-н, %да	млн.сўм	І-га нис-н, %да	млн.сўм	І-га нис-н, %да	млн.сўм	І-га нис-н, %да
І. Давлат мақсадли жамғармаларсиз даромадлари - жами	2621300	100	3310854	100	4042460,4	100	5100867,9	100,0
1.Тўғри солиқлар	714088	27,2	865830	26,2	1045920,6	25,9	1219647,9	23,9
1.1. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи	182186	7,0	209331	6,3	218955,1	5,4	261720,9	5,1
1.2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан олинадиган ялпи даромад солиғи	75500	2,9	66992	2,0	72961,1	1,8	110800,0	2,2
1.3. Ихчамлаштирилган солиқ тизимига ўтган микрофирма ва кичик корхоналардан олинадиган ягона солиқ	85770	3,3	80722	2,4	95542,7	2,4	103888,9	2,0
1.4. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	334203	12,7	465641	14,1	603416,7	14,9	689038,1	13,5
1.5. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий солиқ	36427,5	1,4	43143,7	1,3	55045	1,4	54200,0	1,1
2. Эгри солиқлар	1532944	58,5	1627910	49,2	1986656,3	49,1	2478178,1	48,6
2.1. Қўшилган қиймат солиғи	604270	23,1	748938	22,6	1017352	25,2	1261691,5	24,7
2.2. Акциз солиғи	751567	28,7	692629	20,9	760548,6	18,8	915682,1	18,0
2.3. Божхона божи	60745,6	2,3	66139,8	2,0	86754,5	2,1	116136,6	2,3
2.4. Жисмоний шахслардан олинадиган ягона божхона тўлови	68151,6	2,6	56869,3	1,7	45883,9	1,1	73417,4	1,4
2.5. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	48209,6	1,8	63333,3	1,9	76117,3	1,9	111250,5	2,2
3. Мол-мулк солиғи ва ресурс тўловлари	260100	9,9	629770	19,0	768184,1	19,0	931800,0	18,3
3.1. Мол-мулк солиғи	74316,6	2,8	109065	3,3	142580	3,5	191400,0	3,8
3.2. Ер солиғи	76166,9	2,9	87411,9	2,6	138541,7	3,4	180300,0	3,5
3.3. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	43295,1	1,7	333868	10,1	465749,1	11,5	531000,0	10,4
3.4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	12145,7	0,5	13298	0,4	21313,3	0,5	29100,0	0,6

3.5. Экология солиғи	54176	2,1	86128	2,6	-	-	-	-
4. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	45734,2	1,7	52169,4	1,6	69614,5	1,7	112145,5	2,2
5. Бошқа даромадлар	68433,4	2,6	135175	4,1	172084,9	4,3	359096,4	7,1

**Манбаа: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.*

Жадвал маълумотлари кўриниб турибдики, давлат солиқ сиёсатининг ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишга эришиш, давлат бюджети даромадларида мол-мулк солиғи ролини оширишга қаратилганлиги натижасида мазкур солиқдан тушумларнинг ошиб бораётганини кўришимиз мумкин. Масалан, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғининг салмоғи 2004 йилда давлат бюджетида 260100 млн. сўм ёки даромадлардаги улуши 9.9 фоизни ташкил этди. 2005 йилда мазкур кўрсаткичлар мос равишда 629770 млн. сўм ёки 19.0 фоизни ташкил этган. 2006 йилда ушбу солиқларнинг ролини янада ошириш мақсадида унинг суммаси 768184.1 млн. сўмни ташкил этишга, яъни давлат бюджети даромадларининг 19 фоизини шакллантиришга эришилди. 2007 йилда эса бу солиқлардан тушумлар режаси мос равишда 931800,0 млн. сўм, ёки даромадлардаги улуши 18,3 фоиз ташкил этиши режалаштирилган. Бундан ташқари, мол-мулк солиғининг давлат бюджети даромадларидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга. Яъни, солиқдан тушумлар жами бюджет даромадларида 2004 йилда 2.8 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилда мос равишда 3.3 фоизни, 2006 йилда 3.5 фоизни ташкил этган, 2007 йилги прогноз кўрсаткичларида эса ушбу микдор 3.8 фоиз бўлиши режалаштирилган.

Энди ушбу солиқнинг туман маҳаллий бюджетидаги ролини аниқлаб олиш учун Тошкент шаҳри Сергели туман маҳаллий бюджетига тушумлар ҳақидаги маълумотларга мурожаат қиламиз.

-жадвал

Сергели туман маҳаллий бюджетида солиқли тўловлар тушуми*

№	Кўрсаткичлар	2004 йил		2005 йил		2006 йил	
		минг сўм	жами нис-н, %да	минг сўм	жами нис-н, %да	минг сўм	жами нис-н, %да
1.	Жами даромадлар	21320630.4	100	26650788.0	100	33313485.0	100
2.	Тўғри солиқлар	11999817.5	56.2	14999771.9	56.2	18749714.9	56.3
3.	Эгри солиқлар	6131256	28.7	6890599	25.8	7292997.0	21.8
4.	Мол-мулк солиғи ва ресурс тўловлари	1511813,6	7.2	2177298,3	8.2	2669611.1	8.0
5.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	1116512,1	5.2	1563489,9	5.9	2091438.4	6.4
6.	Бошқа даромадлар	561231.2	2.7	1019628.9	3.9	2509723.6	7.5

**Манбаа: Сергели тумани ДСИ ҳисобот маълумотларидан олинди.*

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Сергели тумани маҳаллий бюджети даромадлар қисмини шакллантиришда мол-мулк солиғи ва ресурс тўловлари алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, ушбу солиқларнинг туман бюджети даромадлар тушумидаги салмоғи 2004 йилда 7.2 фоизни ташкил қилган

бўлса, 2005 йилга келиб 8.2 фоизни ва 2006 йилда 8.0 фоизни ташкил қилмоқда. Бу эса, 2004 йилга нисбатан қараганда 2006 йилда 0.8 бандга кўпайган.

-жадвал

Сергели туман маҳаллий бюджетида мол-мулк солиғидан тушумлар*

№	Кўрсаткичлар	2004 йил		2005 йил		2006 йил	
		минг сўм	жами нис-н, %да	минг сўм	жами нис-н, %да	минг сўм	жами нис-н, %да
1.	Жами даромадлар	21320630.4	100	26650788.0	100	33313485.0	100
2.	Мол-мулк солиғи, жами	690088.4	3.2	850544.3	3.1	989057.3	2.9
	Юридик шахслардан	600235.3	86.9	710308.1	83.5	793987.7	80.2
	Жисмоний шахслардан	89853.1	13.1	140236.2	16.5	195069.6	19.8

⁶
**Манбаа: Сергели тумани ДСИ ҳисобот маълумотларидан олинди.*

Юқоридаги жадвал маълумотларидан изоҳлаш мумкинки, мол-мулк солиғи тушум суммасининг абсолют миқдорлари йиллар бўйича ортган бўлсада, фоизда эса бу кўрсаткич камайиш тенденциясига эга. Жумладан, 2004 йилда бу миқдор 3.2 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йилга бориб 2.9 фоизни ташкил этмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мол-мулк солиғининг умумий жиҳат ва томонларини қуйидаги тарзда изоҳлаш мумкин:

- мол-мулк солиғи тарихий шаклланган солиқдир;
- мулк муносабатлари солиққа тортишнинг объекти сифатида юзага чиқиши;
- мол-мулк солиғи амал қилиш механизмининг алоҳида аҳамиятга эгаллиги;
- мол-мулк солиғининг фискал аҳамиятининг мавжудлиги;
- мол-мулк солиғининг мавжуд мол-мулклардан мақсадли ва самарали фойдаланишга туртки бериши;
- мол-мулк солиғини ҳисоблаш тегишли ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда аниқ белгиланган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши.

II боб. Мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш механизми таҳлили

2.1. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби таҳлили

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Ўзбекистон Республикасида 1991 йил 15 февралдаги “Қорхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида”ги Қонуни асосида жорий этилган. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 22 январдаги 25, 2002-13-сон қарори билан тасдиқланган “Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида” йўриқнома асосида тартибга солиб турилади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг тўловчилари бўлиб, солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади. Юридик шахслар учун солиқ солиш объекти бўлиб:

- асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб сотиб олинган ернинг қиймати бундан мустасно);
- номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати;
- белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектининг ўртача йиллик қиймати;
- меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати ҳисобланади.

Юридик шахслар мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ҳисобот йилининг 1 январидagi ва ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидagi мол-мулк қолдиқ қийматининг ярмини қўшишдан олинган суммани ҳамда ҳисобот даври қолган барча ойлари ҳар бир дастлабки кунидagi мол-мулк қолдиқ қиймати суммасини 12 га бўлишдан олинган сон сифатида қуйидagi формула бўйича аниқланади:

$$\begin{array}{c} \text{Ўртача} \quad \text{йиллик} \\ \text{қолдиқ қиймати} \end{array} = \frac{\frac{\text{1 янв.га}}{2} + \text{1 фев.га} + \dots + \text{1 дек.га} + \frac{\text{1 янв.га}}{2}}{12}$$

Асосий воситалар ва номоддий активларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тиклаш) қиймати билан амортизация суммаси ўртасидagi фарқ сифатида аниқланади.

Солиқ солинадиган базани аниқлаш учун, баланс активида акс эттириладиган эскиришни чегирган ҳолда, бухгалтерия ҳисобининг қуйидagi ҳисобварақлари бўйича суммалар қабул қилинади:

- асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари;
- узоқ муддатга ижарага олинadиган асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари;
- номоддий активларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари;
- тугалланмаган қурилишни (белгиланган муддатларда қурилиши тугалланмаган объект қисмида) ҳисобга олиш ҳисобварақлари;
- ўрнатишга мўлжалланган ускуна (меъёр муддатларида ўрнатилмаган ускуна қисмида) ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

Юқоридаги формуладан фойдаланган ҳолда Сергели туманида фаолият юритаётган “ADVICE-ANGEL” масъуляти чекланган жамиятининг 2006 йил учун мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини таҳлил этамиз.

-жадвал

**“ADVICE-ANGEL” масъуляти чекланган жамиятининг
2006 йил учун мол-мулк солиғи ҳисоб-китоби***

№	Кўрсаткичлар	Тўловчининг маълумотлари бўйича
---	--------------	---------------------------------------

1.	Асосий воситалар ва номоддий активларнинг ҳисобот даври учун ўртача қолдиқ қиймати, минг сўм	84930.0
2.	Солиқ ставкаси, %	3.5
3.	Асосий воситалар ва номоддий активлар учун солиқ суммаси (1-сатр x 2-сатр : 100) сўм	16986.0
4.	Меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	-
5.	Солиқ ставкаси, %	-
6.	Меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун солиқ суммаси (4-сатр x 5-сатр : 100), сўм	-
7.	Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектларининг ўртача йиллик ҳажми, минг сўм	-
8.	Солиқ ставкаси, %	-
9.	Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объекти учун солиқ суммаси (7-сатр x 8-сатр : 100), сўм	-
10.	Солиқнинг умумий суммаси (3-сатр + 6-сатр + 9-сатр), сўм	16986.0
11.	Ўтган даврлар учун ҳисобланган солиқ суммаси, сўм	12653.0
12.	Қўшимча тўланади, сўм	4333.0
13.	Камайтирилади, сўм	

Манбаа: “ADVICE-ANGEL” масъуляти чекланган жамиятининг йиллик ҳисобот маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, мазкур корхона 2006 йил учун жами 16986 минг сўм мол-мулк солиғини тўлаши лозим, шундан 12653 минг сўмини ўтган чорақлар давомида тўлаган. Демак, корхона ҳисобот даври учун 4333 минг сўм солиқ тўлаши зарур.

2007 йил учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланган:

-жадвал

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари миқдори*

№	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан фоизларда
1.	Юридик шахслар	3,5
2.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун:	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	белгиланган ставка 50%га пасайтирилади

* Манбаа: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон қарорининг 13-илоvasи

Изоҳ:

Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғи икки барабар миқдорда тўланади.

Қуйидаги юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ солинмайди:

- нотижорат ташкилотларнинг мол-мулкига;

- халқ таълими ва маданият муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулкка;
- уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалигининг мол-мулкига;
- қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, уларнинг селекцияси ва уларни сақлаш, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турига;
- ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, “Нуроний” жамғармаси ва “Ўзбекистон чернобилчилари” уюшмасининг мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахсларнинг мол-мулкига;
- янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, рўйхатдан ўтган пайтидан эътиборан икки йил мобайнида;
- хорижий кредит ҳисобига харид қилинган асбоб-ускуналарга, ушбу кредитни сўндириш муддатига, лекин у беш йилдан ортиқ бўлмаслиги керак;
- бўшатиб олинadиган маблағлар улар томонидан моддий-техник базани мустаҳкамлашга, асбоб-ускуналар, анжомлар, дидактик материал, болалар ўйинчоқлари ва адабиётларига сарфланиши шарти билан рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил муддатга нодавлат мактабгача таълим муассасалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органлари (ўз ҳудудида мол-мулк жойлашган солиқ тўловчиларга нисбатан) томонидан қўшимча имтиёзлар берилиши мумкин.

Мол-мулк солиғи ҳисоблаб чиқарилаётганида солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг қийматига камайтирилади:

- солиқ тўловчининг балансида бўлган уй-жой-коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа объектларининг;
- табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадида ва ёнғинга қарши хавфсизлик учун фойдаланиладиган объектларнинг;
- алоқа йўлдошларининг;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилган асосий ишлаб чиқариш фондларининг;
- шаҳар йўловчилар транспортининг (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортининг (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари);
- лизингга олинган мол-мулкнинг, лизинг шартномасининг амал қилиш муддатига.

Солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

Юридик шахслар бюджетга жорий тўловлар суммасини ҳисобот йили мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб мустақил равишда белгилайдилар.

Бюджетга жорий тўловларни тўлаш ҳар ойнинг 20-кунидан кечиктирмай, йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида тўланади. Бюджетга жорий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун солиқ тўловчилар мол-мулкнинг тегишли йилга ўртача йиллик қолдиқ қийматидан ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқадилар ва жорий йилнинг 10 (ўнинчи) январигача давлат солиқ хизмати органларига маълумотнома тақдим этади.

Биринчи чорак, ярим йил, 9 ой ва йил тугаганда тўловчилар мустақил равишда мол-мулк солиғини ўсиб боровчи якун билан, ҳисобот даврида мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қийматидан келиб чиқиб, ҳисоблаб чиқадилар ва ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасидан, йил якунлари бўйича йиллик молия ҳисоботларини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ органларига тақдим этади. Мол-мулк солиғининг ҳисобланган суммаси ҳисоб-китобни тақдим этиш учун белгиланган кундан бошлаб беш кунлик муддатда тўланади.

Ягона солиқ тўловчиси бўлган корхона бинонинг бир қисмини ижарага берган ҳолатда, солиққа тортиш базасини ҳисоблаш учун шу бино қисмининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати бино умумий майдонининг 1 кв.м ўртача йиллик қолдиқ қийматини бинонинг солиққа тортиладиган майдонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ортиқча тўланган солиқ суммалари, агар солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз мавжуд бўлмаса, тўловчининг ёзма аризасига кўра бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади ёки 30 кун ичида қайтарилади.

Мол-мулк солиғини тўловчилар давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари устидан юқори давлат солиқ хизмати органларига ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Мол-мулк солиғини тўловчилар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқни тўғри ҳисоблаб чиқариш ва ўз вақтида тўлаш учун жавобгардирлар.

Мол-мулк солиғини тўғри ҳисоблаб чиқариш ва ўз вақтида тўлаш устидан назорат, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

2.2. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби таҳлили

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ 1993 йил 28 декабрдаги “Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўғрисида”ги Қонуни асосида жорий этилган. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳозирги кунда Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 16 январдаги 16, 2002-19-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 05.03.2002 йил 1103-сонли “Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома асосида тартибга солинади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилари бўлиб, солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган жисмоний шахслар ҳисобланади.

Жисмоний шахслар учун уларнинг мулки бўлган уй-жойлар, квартиралар, чорбоғ ва боғ уйлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчилари ҳисоби давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар бир йилнинг 1 январидаги ҳолат бўйича шаҳар ва туманлар бўйича, техник инвентаризациялаш ҳудудий кадастр бюросида мавжуд бўлган иморатлар эгалари тўғрисидаги маълумотларга биноан ўтказилади.

Қуйида келтириладиган жадвалда Тошкент шаҳар Сергели туман ҳудудида 2007 йил 1 январ ҳолатига кўра жисмоний шахсларга тегишли бўлган мол-мулк (иморат ва иншоотлар) солиғини тўловчиларни ҳисобга олиниши ва солиққа тортилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган:

-жадвал

Сергели туман ҳудудида жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларини ҳисобга олиниши ва солиққа тортилиши*

Туман номи	01.01.2006 йилда жами ҳисобга олинганлар сони	01.01.2007 йилда жами ҳисобга олинганлар сони	Имтиёз берилган объектлар			Солиққа тортилган объектлар сони		
			ҳўжалик сони	мулк қиймати (млн. сўм)	солиқ суммаси	ҳўжалик сони	мулк қиймати (млн. сўм)	солиқ суммаси
Сергели	48320	48575	19974	31864.1	159320.5	28601	37428.2	187141.0

**Манбаа: Сергели туман Давлат солиқ инспекцияси маълумотлари*

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Сергели туманида 2007 йил 1 январ ҳолатига кўра жами ҳисобга олинган ҳўжаликлар сони 48575тани ташкил этмоқда. Шундан, имтиёзга эга бўлган мулклар сони 19974 тани ташкил этган ҳолда, мол-мулк солиғининг суммаси эса мазкур объектлар бўйича 31864.1 млн. сўмни ташкил этмоқда. Солиққа тортиладиган ҳўжаликлар сони 28601тани ташкил этган ҳолда, мол-мулк солиғининг суммаси 159320.5 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, уларни солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси умумбелгиланган тартибда етказди.

2007 йил учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари қуйидаги жадвалда берилган:

-жадвал

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари миқдори*

Солиқ солинадиган объектларнинг номи	Мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан солиқ ставкаси (%да)
Турар жойлар, квартиралар, дала ҳовли ва боғ уйчалари, гаражлар ва бошқа	0,5

** Манбаа: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПК-532-сон қарорининг 14-илоvasи*

Изоҳ:

Жисмоний шахслар мол-мулкни баҳолаш бўйича органлар белгилаган инвентаризация қиймати бўлмаса солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 2100,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда - 920,0 минг сўм миқдоридаги мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

Мулкида солиқ солинадиган мол-мулк бўлган пенсионерлар учун мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинмайдиган энг кам миқдор умумий майдоннинг 60 кв. метри ҳажмида белгиланади.

Куйидаги жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотларга солиқ солинмайди:

- “Ўзбекистон Қаҳрамони”, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг;

- 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва партизанлари, уларга тенглаштирилган шахслар, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари таркибида хизмат қилган шахсларнинг, ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда штатдаги лавозимларни эгаллаган шахслар, Ленинград шаҳри камалида бўлганларнинг ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган кўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг;

- қаҳрамон оналар, шунингдек ўн нафар ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларнинг;

- Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар олаётган фуқароларнинг (шу жумладан, у ерга вақтинча ёки хизмат сафарига юборилган фуқароларнинг);

- I ва II гуруҳ ногиронларининг;

- муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларининг - хизматни ўташ даврида;

- ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ёки фронтда бўлиш туфайли орттирилган касаллик оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва бошқа турмуш қурмаган рафиқаларининг (эрларининг);

- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари жумласидан бўлган ногиронларнинг, ички ишлар органларининг хизмат вазифаларини адо этаётганда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ногирон бўлиб қолган бошлиқлар ва оддий хизматчилар жумласидан бўлган шахсларнинг.

Юқорида назарда тутилган имтиёзлар мол-мулк эгасининг танлашига биноан, имтиёз олиш ҳуқуқини берувчи зарурий ҳужжатлар тақдим этилганда, мол-мулкнинг фақат бир объектига тааллуқли бўлади. Бунда имтиёзлар мол-мулк имтиёз олувчининг мулки бўлган ҳоллардагина тақдим этилади. Йил давомида тўловчиларда мол-мулк солиғи бўйича имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи пайдо бўлган тақдирда улар кўрсатилган тўловлардан ана шу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб

озод этиладилар. Йил ўртасида мол-мулк солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқини йўқотганда солиқ солиш ушбу ҳуқуқ йўқолган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

Иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи уларнинг ҳар йил 1 январдаги ҳолати юзасидан техник инвентаризациялашнинг ҳудудий кадастр бюрolari такдим этадиган инвентаризация қийматига доир маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқарилади, бундай маълумотлар бўлмаган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган, қайта баҳоланганидан кейин қайта ҳисоб-китоб қилинган мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

Қуйида келтирилади жадвалда Тошкент шаҳар Сергели туман ҳудудида 2007 йил 1 январ ҳолатига кўра жисмоний шахсларга тегишли бўлган иморат ва иншоотларнинг ҳисобга олиниши ва техник инвентаризациялашнинг ҳудудий кадастр бюрolari (ТИХҚБ) томонидан баҳоланиши тўғрисида маълумотлар берилган:

-жадвал

Сергели туман ҳудудида жисмоний шахсларга тегишли бўлган иморат ва иншоотларнинг ҳисобга олиниши ва ТИХҚБ томонидан баҳоланиши*

Туман номи	Жами ҳисобга олинган мулклар сони	Шундан,	Уй-жой		Хонадонлар		Гаражлар	
		ТИХҚБ томонидан баҳоланган (млн.сўмда)	Ҳисобга олинганлар сони	ТИХҚБ томонидан баҳоланган	Ҳисобга олинганлар сони	ТИХҚБ томонидан баҳоланган	Ҳисобга олинганлар сони	ТИХҚБ томонидан баҳоланган
Сергели	49758	69292.3	6998	6998	41006	41006	1183	1183

**Манбаа: Сергели туман Давлат солиқ инспекцияси маълумотлари*

Жадвал маълумотларига кўра, Сергели туманида 2007 йил 1 январ ҳолатига кўра жами ҳисобга олинган мулклар сони 49758тани ташкил этмоқда. Шундан, уй-жойлар сони 6998 тани, хонадонлар сони 41006 тани, гаражлар сони 1183 тани ва дўконлар, ошхоналар ва бошқа қурилмалар 571 тани ташкил этмоқда.

Мол-мулк солиғини тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномалари тўловчиларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади. Солиқ тенг улушларда икки муддатда - 15 июнь ва 15 декабрдан кечиктирмай тўланади.

Солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўғри ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш устидан назоратни давлат солиқ хизмати органлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.

III Боб. Мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш механизмини такомиллаштириш

3.1. Мол-мулк солиғи амал қилиш механизмининг хорижий давлатлар тажрибаси

Ривожланган мамлакатлар солиқ тизими турли хил иўтисодий, сиёсий ва ижтимоий шарт-шароитлар таъсири остида шаклланган. Солиқ тизимлари бир-биридан солиққа тортиш, уларнинг таркиби, ундириш усули, ставкалари, турли даражадаги ҳукуматларнинг фискал ваколатлари, солиқ базаси, солиқларнинг ҳаракат доираси, солиқ имтиёзлари ва бошқа шу каби мезонлар асосида фарқланади. Мол-мулкдан олинадиган солиқлар давлат солиқлари умумий ҳажмида кам ўрин тутди ва кўпчилик мамлакатларда маҳаллий солиқлар тоифасига киритилади.

Ривожланган мамлакатларда мулкни солиққа тортиш икки солиқ гуруҳи: мулкнинг умумий суммасига солиқ ва мулкнинг алоҳида турларига солиқлари асосида амалга оширилади. Мулкнинг умумий суммасига солиқ ўз навбатида жисмоний шахсларнинг шахсий мулкига солиқ ва юридик шахслар мол-мулк солиқларига бўлинади.

Шахсий мулк солиғига жисмоний шахслар мулкнинг қиймати тортилади. Мулк қиймати амалдаги қонунларга кўра ишлаб чиқилган усуллар орқали аниқланадиган бозор ёки кадастр қиймати асосида баҳоланади.

Шахсий мулк солиғи ягона ставкада ёки солиққа тортишнинг табақалаштирилган прогрессив ставкаси асосида ундирилиши мумкин. Солиққа тортишнинг ягона ставкаси Германия, Бельгия, Исландия ва Люксембургда қўлланилади. Солиққа тортишнинг прогрессив тизими Швеция, Финляндия, Норвегия, Испания, Швейцария ва бошқа давлатларда амал қилади.

Шахсий мулк солиғининг муҳим хусусияти солиққа тортиладиган бошланғич сумманинг етарли даражада юқорилигида ҳисобланади. Бундан ташқари, кўп ҳолларда солиқ тўловчиларнинг турли гуруҳларига сезиларли имтиёзлар кўзда тутилган. Умумий солиқ тушумлари таркибида шахсий мулк солиғи камдан-кам 0,5 фоиздан ошади.

Мол-мулкка солинадиган барча солиқлар ҳудудий ёки маҳаллий солиқларга тааллуқли аммо, ундириш чегараси кўп ҳолларда марказий даражада белгиланади. Махсус мол-мулк солиқлари тарихан сақланиб қолган солиқлар ҳисобланади. Бу солиқларнинг жами солиқ тушумларидаги улуши ривожланган мамлакатларда қаттиқ фарқ қилади. Агар Буюк Британияда ушбу улуш 10 фоиздан ошиғини ташкил этган бўлса, Бельгия, Греция, Австрия, Италия, Люксембург, Туркия, Финляндия, Швейцария, Швеция, Испанияларда улар 1 фоиздан ошади. Мулкнинг алоҳида турларига солиқлари бўйича юқори тушумли давлатларга АҚШ (9 фоиздан юқори), Канада (8 фоиздан юқори), Янги Зеландия (6 фоиз атрофида), Австралия (деярли 5 фоиз), Ирландия (2,5 фоиз), Франция (2 фоиз атрофида) киради.

АҚШда мол-мулк солиғини юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар. Юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ кўпчилик штатларда ундирилади. Солиқ ставкалари штатлар бўйича фарқланади. Кўчмас мулкни бақолаш билан шуғулланадиган солиқ идораси хизматчилари солиқ баҳоловчилари деб номланайдилар. Мол-мулк солиғи тушумлари ҳокимият тузилмаларининг барча даражадаги солиқ тушумларининг салкам 9,0 фоизини ташкил этади. АҚШда мол-мулк солиқлари штат ва муниципалитет даражасида ундирилади. Бу солиққа асосан кўчмас мулк ва хўжалик ускуналари тортилади,

фойда кўрмайдиган ташкилотларга тегишли бўлган ва улар томонидан тижорат мақсадларида фойдаланилмайдиган мол-мулк бундан мустасно. Шунингдек федерал ҳукумат, штатлар ҳукуматлари ва маҳаллий ҳокимият органларининг мол-мулки ҳам солиққа тортилмайди. 13 та штатда номоддий активлар: акциялар, қарз мажбуриятлари ва шу кабилар солиққа тортилади. Фуқароларга тегишли бўлган шахсий кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш воситалари ҳам солиққа тортилади. Штат даражасида қуйидаги солиқ ставкалари: корпорация капиталининг 0,75 фоизи миқдорида ва юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган мол-мулкига 0,5 фоиздан 5,0 фоизгача миқдорда белгиланган. Бундан ташқари, муниципалитет даражасида ҳам солиқ ундирилади.

АҚШ штат солиқларининг таркибида мол-мулк солиғининг бир қисми ҳисобга олинади. Бу бир қатор штатларда мавжуд бўлгани билан, уларнинг даромад манбасидаги салмоғи катта эмас, яъни 3 фоиздан кам. Мол-мулк солиғи федерал бюджетда ҳеч қандай рол қўнамайди. Маҳаллий солиқлар таркибида эса улар даромаднинг 3/4 қисмини ташкил қилади. Бу умумдавлат солиқ тушумларининг 12 фоизига тенг.

Солиққа тортиладиган мол-мулк қуйидаги категорияларга бўлинади:

1. Кўчмас мулк (ер, бино, кўчмас асбоб-ускуналар);
2. Моддий мол-мулк;
 - а) даромадларни жалб қилиш учун ишлатиладиган (машиналар, товар-моддий қийматликлар ва бошқалар);
 - б) уй хўжалиги мулки (узоқ муддат қўлланиладиган товарлар: автомобил, музлатгич, телевизор ва бошқалар);
3. Номоддий активлар (акциялар, пуллар, муддатли мажбуриятлар);
4. Темир йқл объектлари, коммунал ва бошқа корхоналар объект ва ускуналари.

Франция бюджетида мол-мулкдан солиқ юқори салмоққа эга. Бу солиққа мол-мулк, мол-мулк ҳуқуқи ва қимматбаҳо қоғозлар тортилади. Мол-мулк таркибига бинолар, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари, ҳаракатланувчи мулк, акциялар, облигациялар ва бошқалар киради.

Шуниси диққатга сазоворки, Францияда баъзи мол-мулк ушбу солиқ туридан қисман ёки тўлиқ озод этилган. Шулар жумласига профессионал фаолият доирасида фойдаланиш учун мқлжалланган мол-мулк, қишлоқ хўжалигига оид баъзи мол-мулк турлари, тарихий ёдгорлик буюмлар, бадий ва коллекция буюмлари киради.

Мол-мулк солиғи ставкалари прогрессив характерга эга бўлиб, уни қуйидаги жадвалда кўриб чиқишимиз мумкин.

-жадвал

Мол-мулк солиғи ставкалари*

Мол-мулкнинг қиймати, фр.	Солиқ ставкаси, фоизда
4260000 франккача	0
4260001-6920000 франккача	0,5
6920001-13740000 франккача	0,7

13740001-21320000 франккача	0,9
21320001-41280000 франккача	1,2
41280001 франкдан юқори	1,5

**Манбаа: А.В.Перов, А.В.Толкушкин. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. –М.: ЮРАЙТ. 2003. стр. 125*

Буюк Британияда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкига солинадиган солиқ маҳаллий бюджетни шакллантирувчи асосий солиқлардан бири ҳисобланади. Рента тўлови солиқ асоси бўлади. У кўчмас мулк эгалари ёки уни ижарага олувчилардан ундирилади. Хуллас, мол-мулк солиғи тўловчилари бўлиб, мулк эгалари ёки иштирокчилари ҳисобланади. Кўчмас мулк деганда ер тушунилади. Шунингдек, ушбу солиқ тўловчилари қаторига уй-жойни ижарага олувчилар ҳамда квартира ҳақини тўловчилар ҳам киради.

Кўчмас мулк қиймати одатда 10 йилда бир марта баҳоланади. Кўчмас мулк қиймати ўзида муайян мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромадини акс эттиради. Мол-мулк солиғи маҳаллий бюджетни шакллантиргани сабабли, солиқ ставкаси маҳаллий ҳокимият томонидан белгиланади. Албатта, маҳаллий ҳокимиятнинг молиявий ресурсларга бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Шу сабабли, Буюк Британиядаги мол-мулк солиғи турли шаҳар ва графликлари бўйича сезиларли даражада фарқланади.

Германияда шахсий мулк солиғи тарихий анъанага эгадир. Бу солиқни 1278 йилда киро́л Рудольф фон Габсбург жорий қилган. Жисмоний шахснинг умумий мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 1955 йил 1 январидан бошлаб 1 фоизга қадар кўтарилди. Унга қадар солиқ ставкаси 0,5 фоиз даражасида эди. Саноат корхоналари ва компаниялари учун 0,6 фоиз солиқ ставкаси белгиланган. Ўйшлок ва ўрмон ҳқжалиги мулки пасайтирилган солиқ суммаси кўринишидаги имтиёзларга эга.

Япония солиқ тизимида мол-мулк солиғи алоҳида ўринга эга бўлиб, йирик уч гуруҳ солиқлардан бирини, яъни мол-мулк солиғи гуруҳини ташкил қилади.

Японияда бу солиқни бизнинг мамлакатдан фарқли қлароқ ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар бир хил ставкада тўлайдилар. Одатда бу мол-мулк қийматининг 1,4 фоизини ташкил қилади. Мол-мулкни қайта баҳолаш 3 йилда бир марта ўтказилади. Солиққа тортиладиган объектга барча кўчмас мулклар, ер, қимматбаҳо қоғозлар, банк депозитлари бўйича фоизлар киради. Солиқ шунингдек, мулк бир эгадан бошқасига ўтган вақтида, яъни мулк сотиш ёки сотиб олиш вақтида ҳам тўланади.

Канада мол-мулк солиғи маҳаллий бюджетни шакллантиргани сабабли, маҳаллий органлар томонидан ундирилади. Ҳар бир провинцияда солиққа тортиш мақсадида мулкни баҳоловчи махсус бўлинмалар фаолият юритади. Масалан, Онтарио провинциясида 31та бу каби бўлинмалар фаолият юритмоқда. Бунда ҳамма бинолар баҳоланади. Жихоз ва ускуналар баҳолашга киритилмайди. Асосий баҳо мулкнинг эркин базорда сотилиши мумкин бўлган бозор баҳоси ҳисобланади.

Баҳолаш мулкнинг эгасисиз амалга оширилади. Агар солиқ идорасининг махсус бўлинмаси белгилаган мулк қиймати билан мулк эгаси тақдим этган мулк

қиймати орасида тафовут бўлса, у ҳолда бу келишмовчилик махсус трибуналга апелляция бериш орқали ҳал қилинади.

Кўчмас мулкдан солиқ мол-мулк қийматининг 0,5 – 1 фоиз ҳажмида ундирилади, сартарошлар учун уй қийматининг 30 фоизи, адвокат конторалари ва врачлик хоналаридан – 50 фоизи, спирт ишлаб чиқаришда – 140 фоиз.

Испанияда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ 1920 йилларга қадар фавқулодда солиқ эди. Мол-мулк солиғи Испанияда мол-мулки бўлган жисмоний шахслардан ҳар йили ундирилади. Резидентлар мол-мулкнинг каердалигидан қатъий назар унинг бутун суммасидан, норезидентлар эса фақат Испаниядаги мол-мулк бўйича солиқ тўлайдилар. Мол-мулкнинг қиймати солиққа тортиладиган база бўлиб хизмат қилади, ундан арзонлаштириш миқдори чегириб ташланади. Маданий ва тарихий бойликлар солиққа тортилмайди. Солиқ резидентларнинг мол-мулк суммаси 15 млн. песетдан ошган тақдирдагина тўланади (норезидентларга бу қоида тааллуқли эмас). Солиқ ставкалари мол-мулк қийматининг миқдorigа боғлиқ бўлиб, умумий қиймат суммасининг 0,2 фоиздан 2,5 фоизгача миқдорда белгиланган. Испанияда кўчмас мулк солиғи маҳаллий бюджетга тушадиган солиқларга киради.

Швецияда мулк солиғини ундиришда оиланинг жами мулкни ҳисобга олади. Уни фақат жисмоний шахслар тўлайди. Солиқ ставкалари прогрессив характерга эга бўлиб, уни қуйидаги жадвалда кўриб чиқишимиз мумкин.

-жадвал

Швецияда мулк солиғини солиқ ставкалари*

Мол-мулкнинг қиймати, крон.	Солиқ ставкаси, фоизда
400000 кронгача	0
400000дан 600000 кронгача	1,5
1800000 крондан ошиғи	3

**Манбаа: А.В.Перов, А.В.Толкушкин. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. –М.: ЮРАЙТ. 2003. стр. 128*

Яъни, Швецияда 400 минг кронгача қийматли мулк солиқдан озод этилган. Бу солиққа тортилмайдиган минимум ҳисобланади. 400 минг дан 600 минг кронгача бўлган мулк 1,5 фоизли, 1,8 млн крондан ошиғи 3 фоизли ставка билан солиққа тортилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, давлатимиз солиқ тизимидаги мол-мулк солиғининг ўрни ва аҳамияти ривожлангин мамлакатлардаги мол-мулк ва ер солиғининг аҳамияти билан бир қатор қўшашликларга эга.

3.2. Мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш механизмини такомиллаштириш

Ҳар қандай солиқ тизими иқтисодий сиёсатнинг мазмун ва шаклига мувофиқ тарзда доимо такомиллаштирилиб борилиши зарур. Бунда асосий эътибор ҳўжалик юритувчи субъектларнинг давлат бюджети билан мажбурий тўловлар бўйича иқтисодий муносабатларининг энг қулай уйғунлигини таъминлашга қаратилиши зарур. Бошқа солиқ турлари сингари жисмоний шахслардан

ундириладиган солиқлар, яъни, мол-мулк ва ер солиғини мавжуд механизмини назарий жihatдан таҳлили бу солиқ турларини ундиришни ҳам янада такомиллаштирилиши лозим деган хулосани чиқаришга имкон беради.

Мазкур саволнинг моҳиятини биз икки йўналишда, яъни даставвал юридик шахслар бўйича, сўнг жисмоний шахслар бўйича мол-мулкларни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш йўналишларини изоҳлашни лозим топдик.

1. Мол-мулкдан солиқ олиш механизмининг самарали ишлаши шу солиқ амал қилишини таъминлаб турувчи солиқ қонунчилигининг ва тегишли меъёрий ҳужжатларнинг барқарорлигига бевосита боғлиқдир. Тадқиқот натижасига кўра, бу солиқ илк бор қўлланила бошлагандан то ҳозиргача бир неча ўндан отиқ турли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган. Бу, маълум бир нуқтаи назардан табиий деб қаралса-да, бизнингча, бу нарсага чек қўйиш вақти келди. Бу фикрнинг тўғри эканлигини жаҳон илғор тажрибаси ҳам яққол кўрсатиб турибди.

2. Қолдиқ қийматни солиққа тортиш натижасида вужудга келиши мумкин бўлган бюджет тушумлари йўқотишларни бартараф қилиш мақсадида баланс активининг мулк деб инкор этиб бўлмайдиган тегишли счетларидаги қолдиқларини солиққа тортиш ҳисобига киртиш лозим. Бўлар хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларига тўлиқ мос тушишига қуйидагилар орқали тўлиқ эришиш мумкин бўлади:

- корхоналарнинг айланма маблағларини вақтинча тўхтатиб қўядиган ортиқча ҳажмдаги моддий заҳираларни қисқартириш;
- тайёр махсулотларнинг олди-сотди (жўнатиш) жараёнларини жадаллаштириш ва ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш технологик цикллари вақтини қисқартириш ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш;
- ишлаб чиқариш заҳираларининг оптимал миқдорини белгилаш;

3. Солиқ механизмининг таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, амалда корхоналар мол-мулк солиғи бўйича берилган имтиёзларнинг меъёрий ҳужжатлардаги ҳолати, айрим бандлари бир-бирини такрорлайди ҳамда кам самарали ва ишламайдиган имтиёзлар ҳам мавжуд. Корхоналар мол-мулк солиғи бўйича берилган имтиёзлар икки хилда:

- маълум корхона ва ташкилотларнинг мол-мулкини солиққа тортишдан тўлиқ озод этиш;
- солиққа тортиш мақсадида корхонанинг мол-мулкига қараб, яъни корхона мол-мулкининг қиймати баланс (норматив) қийматга камайтирилишидан иборат.

Фикримизча корхоналарга имтиёз бериш, у маҳаллий корхонами ёки чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналигидан қатъи назар, иқтисодиётни ривожлантириш истикболларига йўналтирилган у ёки бу ҳалқ хўжалиги тармоқларини рағбатлантиришга қаратилганлигига кўра берилиши лозим.

4. Амалдаги қоидаларга кўра ҳозирда мол-мулк солиғи тўловчиларнинг аксарияти бир хил даражадаги солиқ ставкаси бўйича солиққа тортилаётир. Бу, ўз навбатида, солиқ тўловчиларга нисбатан бир хил ёндашилаётганлигидан далолат беради. Фикримизча, масалани бу тарзда ҳал этишга бир оз эрта. Чунки солиқ тўловчиларга нисбатан бир хил талаб қуйилиши, ўз навбатида, уларнинг барчаси бир хил шароитга эга бўлган тақдирда ўз маъносига эгадир. Шунинг учун,

мол-мулдан олинадиган солиқ ставкасини солиқ тўловчилар мол-мулкини қайта баҳолаш натижалари ва самарадорлик даражасини ҳисобга олган ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, қайта баҳолаш ва самаралилик кўрсаткичларининг даражасига қараб белгиланадиган солиқ ставкаси, қайта баҳолашдан кейинги йилларда амалдаги солиқ ставкасига нисбатан пастроқ ўрнатилмоғи керак ва бу ставка даврий қайта баҳолашни инобатга олган ҳолда ўзгармас ҳарактерига эга бўлиши лозим. Тўғри, мол-мулкдан олинадиган солиқ ставкасини ўрнатишга бундай ёндашиш солиққа тортиш билан боғлиқ бўлган жараёни бир оз мураккаблаштиради. Лекин масалага реал вазиятни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш зарурлигини эътиборга оладиган бўлсак иш тўтишнинг бу шакли мақсадга мувофиқлиги яққол кўринади.

5. Амалда юридик шахсларни мол-мулк солиғига тортишни назарий ва амалий таҳлил қилиш, мол-мулк солиғини такомиллаштириш бўйича муайян хулосалар чиқаришга имкон берди. Битирув малакавий ишида таклиф этилган биринчи галдаги чора-тадбирлар бўлиб, солиққа тортиладиган база сифатида хизмат қиладиган корхоналар мол-мулкини қолдиқ қийматини аниқлаш, қайта баҳолашдан кейин имкон қадар солиқ ставкасини пасайтириш, амал қилаётган имтиёзларни қисқартириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини солиққа тортишни бирин-кетин яқинлаштириш ҳисобланади. Шунингдек солиққа тортиладиган объектни келажақда такомиллаштириш мақсадида унга ишлаб чиқариш заҳираларини киритиш ҳисобидан кенгайтириш биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган асосий тадбирлардан ҳисобланади.

Бизнинг назаримизда мол-мулкни солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришнинг иккинчи босқич бўлиб, бунда солиққа тортиш мақсадида ягона объектни ўрнатилиши бўлиши мумкин, у ягона солиққа тортиладиган мажмуа сифатида, солиққа тортиладиган база ўз ичига ер участкаларини (шартли равишда ернинг баҳосини ишлаб чиқиш билан) ва асосий фондларни қийматини олиб, бих хил солиққа тортиш базасига эга бўлган ер ва мол-мулк солиқларини объектини (кучамс мулкга) бирхиллаштиришдан иборат.

Умуман олганда, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини солиққа тортишни яқинлаштириш (бирхиллаштириш) тенденциясини инкор этмаган ҳолда, бизнинг фикримизча ушбу масалани ҳозирги замон шароитида янада асослаб ва бирин-кетин ечилиши лозим. Ҳозирча мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича амалдаги ташкил қилинган солиққа тортиш тартибини сақлаб туриш зарурдир. Хуллас ер ресурслари, қурилиш, бино ва иншоотларнинг бозор қиймати амалдаги ҳолатга жавоб бериши керак, чунки у солиққа тортиладиган базани аниқлаш учун улар асос бўлиб хизмат қилади.

Юридик шахслар мол-мулк солиғини ўзгартириш борасидаги яна бир тавсиялардан бири бўлиб, амалда мавжуд бўлган имтиёзларни қисқартириш, яъни қайси тоифага уларни тегишлилигидан қатъи назар, мол-мулк эгалари ўртасида тенгликни амалга оширишдан иборат. Маълум даражада солиқ тўловчиларни солиқдан озод қилиш, эркин пул маблағларидан самарали фойдаланиш учун инвестиция ресурсларини сотиб олишга имкон берадиган йўналишларга сафарбар қилиш лозимдир. Шундай қилиб молиявий активларга сафарбар қилинган у ёки

бу корхоналарнинг маблағлари имтиёзли тартиблар ўрнатилиши орқали давлат учун қулай бўлган йўналишда капитални тармоқларга тўғри ва тенг қуйилишга олиб келади. Келгусида молия бозорини, жумладан кўчмас мулк бозорини ривожлантириш чораси сифатида, мулкдорлар тассаруфидаги мулк ҳажмини амалдаги табақалашуви (дифференцияцияси)ни ушбу мулкларни солиқлар орқали бошқарилиш таъминлайди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- Республика ҳудудида мавжуд бўлган жами мулк, дала ховлилар, ҳар хил қурилмалар эгалари ҳамда ер майдонларини тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш натижасида солиқ тўловчилар сонини ва ҳисобланган солиқлар суммасини ошириш;

- мол-мулк солиғи бўйича Солиқ кодексининг 93 ва 102 моддаларида белгиланган имтиёзларни қайтадан ўрганиб чиқиб, айрим мақсадга номувофик имтиёзларни бекор қилиш;

- янгидан замонавий тарзда бунёд этилаётган хусусий турар жойларни ҳудудий кадастр техник рўйхатга олиш бюрolari (КБТИ) томонидан инвентаризация қилиб баҳолаш ишларини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

- ҳудудий кадастр техник рўйхатга олиш бюрolari томонидан жисмоний шахсларга мулк сифатида тегишли бўлган иморатлар ва иншоотларни инвентаризация қилиб баҳолашда қўлланилаётган кўтарувчи коэффициентларни ҳар йили вужудга келаётган инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиб, тасдиқлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятларига тегишли топшириқ бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

- ҳисобланган мол-мулк ва ер солиқларини йиллик суммасини I-чорак давомида тўлаган тўловчиларга шу ҳисобланган сумманинг 10 фоизи, II-чорак давомида тўлаганларга эса 5 фоизи ҳажмида имтиёз қўлланилишини жорий қилиш;

- маҳаллий ҳокимиятларга маҳалла ўз ўзини бошқариш қўмиталари, Молия, ДСИ, ИИВ ҳамда бошқа мутасадди идоралар вакилларида иборат махсус комиссиялар тузиб, уларнинг ҳулосалари асосида айрим ногирон, кам таъминланган ва давлат томонидан ижтимоий нафақалар ҳисобидан кун кечирувчи жисмоний шахсларни даромад солиқларидан ҳамда маҳаллий бюджетга ундириладиган солиқлардан озод қилиш ҳуқуқини бериш.

Хулоса ва таклифлар

Битирув малакавий ишида мол-мулк солиғининг назарий, амалий ва тарихий асосларини ўрганиш, мамлакатимиздаги ва хорижий мамлакатлардаги тажрибани умумлаштириш, Республикада юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкини солиққа тортишнинг амалдаги тизимини таҳлилига таяниб, бозор муносабатлари шароитида юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкини солиққа тортиш муаммолари бўйича ўтказилган тадқиқот ҳозирги вақтда солиқнинг бу турини такомиллаштириш ва ундан янада самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги

назарий хулосалар ҳамда амалий тавсияларни асослашга имкон берди. Улар қисқача қуйидагилардан иборат:

1. Мол-мулк солиғи, инсоният тарихида дастлабки илк солиқларнинг биринчи турларидан бўлиб ҳисобланган. Уларнинг моҳияти ва вазифаси жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шарт-шароитлари, молия тизимининг ташкил топиши ва солиқ сиёсатининг мақсад ҳамда мазмунига таъсир этувчи омилларни белгилашга боғлиқ ҳолда ўзгарди.

2. Мол-мулкни солиққа тортишнинг ривожланиш жараёнида унинг фискал, бошқарув моҳиятига эга эканлиги аниқланди. Ушбу солиқнинг асосий вазифаси бўлиб, маҳаллий бюджетни у ўз функцияларини бажариш учун молиявий ресурслар билан таъминлаш ҳисобланади. Бошқарув моҳияти эса мавжуд мулкӣ табақаланишни қисқартириш, ноишлаб чиқариш жамғармаларини имкон қадар камайтириш ҳамда жамият учун мақбул соҳаларга йўналтиришда кўринади.

3. Мол-мулкни солиққа тортиш реал ва шахсий солиққа тортиш тамойилларига асосланиши мумкин;

4. Мол-мулкдан олинадиган солиқ Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозирги кунда ушбу солиқ ёрдамида давлат бюджети даромадларининг 3-4 фоизини шакллантираётган бўлсада, мамлакатимиз солиқ тизимида ўзига хос ўринга эга. Бу солиқ, ўз навбатида, биринчи галда маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини мустаҳкамлашда ҳам алоҳида ўрин тутди.

5. Мол-мулкдан солиқ олиш механизмининг самарали ишлаши шу солиқ амал қилишини таъминлаб турувчи солиқ қонунчилигининг ва тегишли меъёрий ҳужжатларнинг барқарорлигига бевосита боғлиқдир. Тадқиқот натижасига кўра, бу солиқ илк бор қўлланила бошлагандан то ҳозиргача бир неча ўндан отиқ турли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган. Бу, маълум бир нуқтаи назардан табиий деб қаралса-да, бизнингча, бу нарсага чек қўйиш вақти келди. Бу фикрнинг тўғри эканлигини жаҳон илғор тажрибаси ҳам яққол кўрсатиб турибди.

6. Қолдиқ қийматни солиққа тортиш натижасида вужудга келиши мумкин бўлган бюджет тушумлари йўқотишларни бартараф қилиш мақсадида баланс активининг мулк деб инкор этиб бўлмайдиган тегишли счетларидаги қолдиқларини солиққа тортиш ҳисобига киртиш лозим.

7. Фикримизча корхоналарга имтиёз бериш, у маҳаллий корхонами ёки чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналигидан қатъи назар, иқтисодиётни ривожлантириш истиқболларига йўналтирилган у ёки бу ҳалқ хўжалиги тармоқларини рағбатлантиришга қаратилганлигига кўра берилиши лозим.

8. Амалдаги қоидаларга кўра ҳозирда мол-мулк солиғи тўловчиларнинг аксарияти бир хил даражадаги солиқ ставкаси бўйича солиққа тортилаётир. Бу, ўз навбатида, солиқ тўловчиларга нисбатан бир хил ёндашилаётганлигидан далолат беради. Фикримизча, масалани бу тарзда ҳал этишга бир оз эрта. Чунки солиқ тўловчиларга нисбатан бир хил талаб қуйилиши, ўз навбатида, уларнинг барчаси бир хил шароитга эга бўлган тақдирда ўз маъносига эгадир. Шунинг учун, мол-мулкдан олинадиган солиқ ставкасини солиқ тўловчилар мол-мулкни қайта баҳолаш натижалари ва самарадорлик даражасини ҳисобга олган ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, қайта баҳолаш ва самаралилик кўрсаткичларининг

даражасига қараб белгиланадиган солиқ ставкаси, қайта баҳолашдан кейинги йилларда амалдаги солиқ ставкасига нисбатан пастроқ ўрнатилмоғи керак ва бу ставка даврий қайта баҳолашни инобатга олган ҳолда ўзгармас ҳарактерига эга бўлиши лозим. Тўғри, мол-мулкдан олинадиган солиқ ставкасини ўрнатишга бундай ёндашиш солиққа тортиш билан боғлиқ бўлган жараёни бир оз мураккаблаштиради. Лекин масалага реал вазиятни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш зарурлигини эътиборга оладиган бўлсак иш тутишнинг бу шакли мақсадга мувофиқлиги яққол кўринади.

Амалда юридик шахсларни мол-мулк солиғига тортишни назарий ва амалий таҳлил қилиш, мол-мулк солиғини такомиллаштириш бўйича муайян хулосалар чиқаришга имкон берди. Битирув малакавий ишида таклиф этилган биринчи галдаги чора-тадбирлар бўлиб, солиққа тортиладиган база сифатида хизмат қиладиган корхоналар мол-мулкни қолдиқ қийматини аниқлаш, қайта баҳолашдан кейин имкон қадар солиқ ставкасини пасайтириш, амал қилаётган имтиёзларни қисқартириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни солиққа тортишни бирин-кетин яқинлаштириш ҳисобланади. Шунингдек солиққа тортиладиган объектни келажакда такомиллаштириш мақсадида унга ишлаб чиқариш заҳираларини киритиш ҳисобидан кенгайтириш биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган асосий тадбирлардан ҳисобланади.

Бизнинг назаримизда мол-мулкни солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришнинг иккинчи босқич бўлиб, бунда солиққа тортиш мақсадида ягона объектни ўрнатилиши бўлиши мумкин, у ягона солиққа тортиладиган мажмуа сифатида, солиққа тортиладиган база ўз ичига ер участкаларини (шартли равишда ернинг баҳосини ишлаб чиқиш билан) ва асосий фондларни қийматини олиб, бих хил солиққа тортиш базасига эга бўлган ер ва мол-мулк солиқларини объектини (кучамс мулкга) бирхиллаштиришдан иборат.

Умуман олганда, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни солиққа тортишни яқинлаштириш (бирхиллаштириш) тенденциясини инкор этмаган ҳолда, бизнинг фикримизча ушбу масалани ҳозирги замон шароитида янада асослаб ва бирин-кетин ечилиши лозим. Ҳозирча мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича амалдаги ташкил қилинган солиққа тортиш тартибини сақлаб туриш зарурдир. Хуллас ер ресурслари, қурилиш, бино ва иншоотларнинг бозор қиймати амалдаги ҳолатга жавоб бериши керак, чунки у солиққа тортиладиган базани аниқлаш учун улар асос бўлиб хизмат қилади.

Юридик шахслар мол-мулк солиғини ўзгартириш борасидаги яна бир тавсиялардан бири бўлиб, амалда мавжуд бўлган имтиёзларни қисқартириш, яъни қайси тоифага уларни тегишлилигидан қатъи назар, мол-мулк эгалари ўртасида тенгликни амалга оширишдан иборат. Маълум даражада солиқ тўловчиларни солиқдан озод қилиш, эркин пул маблағларидан самарали фойдаланиш учун инвестиция ресурсларини сотиб олишга имкон берадиган йўналишларга сафабар қилиш лозимдир. Шундай қилиб молиявий активларга сафарбар қилинган у ёки бу корхоналарнинг маблағлари имтиёзли тартиблар ўрнатилиши орқали давлат учун қулай бўлган йўналишда капитални тармоқларга тўғри ва тенг қуйилиша олиб келади. Келгусида молия бозорини, жумладан кўчмас мулк бозорини

ривожлантириш чораси сифатида, мулкдорлар тассаруфидаги мулк ҳажмини амалдаги табақалашуви (дифференцияцияси)ни ушбу мулкларни солиқлар орқали бошқарилиш таъминлайди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- Республика ҳудудида мавжуд бўлган жами мулк, дала ховлилар, ҳар хил қурилмалар эгалари ҳамда ер майдонларини тўлиқ ҳисобга олиншини таъминлаш натижасида солиқ тўловчилар сонини ва ҳисобланган солиқлар суммасини ошириш;

- мол-мулк солиғи бўйича Солиқ кодексининг 93 ва 102 моддаларида белгиланган имтиёзларни қайтадан ўрганиб чиқиб, айрим мақсадга номувофик имтиёзларни бекор қилиш;

- янгидан замонавий тарзда бунёд этилаётган хусусий турар жойларни ҳудудий кадастр техник рўйхатга олиш бюрolari (КБТИ) томонидан инвентаризация қилиб баҳолаш ишларини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

- ҳудудий кадастр техник рўйхатга олиш бюрolari томонидан жисмоний шахсларга мулк сифатида тегишли бўлган иморатлар ва иншоотларни инвентаризация қилиб баҳолашда қўлланилаётган кўтарувчи коэффициентларни ҳар йили вужудга келаётган инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиб, тасдиқлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятларига тегишли топшириқ бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

- ҳисобланган мол-мулк ва ер солиқларини йиллик суммасини I-чорак давомида тўлаган тўловчиларга шу ҳисобланган сумманинг 10 фоизи, II-чорак давомида тўлаганларга эса 5 фоизи ҳажмида имтиёз қўлланилишини жорий қилиш;

- маҳаллий ҳокимиятларга маҳалла ўз ўзини бошқариш қўмиталари, Молия, ДСИ, ИИВ ҳамда бошқа мутасадди идоралар вакилларида иборат махсус комиссиялар тузиб, уларнинг хулосалари асосида айрим ногирон, кам таъминланган ва давлат томонидан ижтимоий нафақалар ҳисобидан кун кечирувчи жисмоний шахсларни даромад солиқларидан ҳамда маҳаллий бюджетга ундириладиган солиқлардан озод қилиш ҳуқуқини бериш.

Юқорида келтирилган тавсиялар юридик ва жисмоний шахслар мол-мулк солиғини иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан асослашга йўналтирилган бўлиб, ҳозирги шароитда ушбу солиқ туридан янада самаралироқ фойданишни таъминлашга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. -Т.: Адолат, 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. //Халқ сўзи, 1997 йил 29 август.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрь Қонуни. //Солиқлар ва божхона хабарлари, 2001 йил 2-сон.
5. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. –Т.: “Ўзбекистон”. 2005
6. И.Каримов. «Янгилаш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир». Халқ сўзи газетаси. 2007 йил 21 феврал
7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: “Ўзбекистон”. 2005
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 532-сонли Қарори (2006 йил 18 декабр).
9. ЎзР. Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 22 январдаги 25, 2002-13-сон қарори билан тасдиқланган “Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида” йўриқнома.
10. ЎзР. Молия вазирлиги ва ДСҚнинг 2002 йил 16 январдаги 16, 2002-19-сон қарори билан тасдиқланган ЎзР. Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 05.03.2002 йил 1103 сонли “Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида” йўриқнома.
11. Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. –Т.: “Фан”. 2004.
12. Налогообложение недвижимости: Учеб. Пособие /В.Братцев. -М.:Изд-во Рос. Экон. Акад. Им. Г. В. Плеханова. 1999.
13. Бобожонов А. Солиқ муносабатларида ҳуқуқий маданият. //Солиқ тўловчининг журнали, 1999. №6.
14. Беляев Ю.А. Финансы местного самоуправления //-М.: Финансы, 1997, № 11
15. Вареха Ю.М. Совершенствование системы налогообложения. //Аудит и финансовый анализ, №1, 1999.
16. Гришкова Л., Аношкина В. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими: шаклланиш босқичлари. //Бозор, пул ва кредит, 1998, №1.
17. Кўчмас мулкни баҳолаш асослари: ўқув қўлланма/Н.Ж.Туйчиев, А.М.Мирхошимов, К.А.Плахти. –Т.:“Адолат”. 2000.
18. Деренберг Р. Международный налогообложение. –М.: ЮНИТИ, 1997.
19. Ёқуббоев О. Солиқ механизми ва солиқ оғирлиги. //Солиқ тўловчининг журнали. 1999, №9,
20. Иванова Н.Г. Казначейская система. Исполнения бюджетов. Санкт Петербург: Питер, 2001.
21. Йўлдошев Н., Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи. -Т.: Молия, 2000.
22. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. -Т.: Адлия, 2002.
23. Налоги. Под ред. Д.Г. Черника. -М.: ЮНИТИ, 1997.

24. Налоги и налоговой право. Учебное пособие. Под ред. А.В. Брызгалина. -М.: Аналитика-Пресс, 1998.
25. Орёшин В.П. Государственное регулирование национальной экономики. –М.: Инфра – М, 2000.
26. Основы налогового законодательства. -Т.: Мир экономики и права, 2000.
27. Раҳматуллаев Б. Бюджет-давлат иқтисодий кудрати асоси. //Бозор, пул ва кредит, 2001, №7
28. Раҳимова А., Ҳожиёв Э. Ўзбекистон Республикасининг Молия ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ, 2002.
29. Солиқ қонунчилиги асослари. Ўқув қўлланма. Тузувчилар: Д.И.Шаулов, У.Т.Кан.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000.
30. Срождидинова З.Х., Шарифходжаев М.Ш., Туляганова Н.Б. Бюджетная политика Республики Узбекистан. Учебное пособие. -Т.: ТФИ, 2001.
31. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. –Т.: Янги аср авлоди, 2002.
32. Финансовая политика, налоги и налогообложения. Справочное пособие. -Т.: Мир экономики и права, 1998.
33. Финансы, денежное обращение, кредит. Под ред. Л.Дробозиной, М.: ЮНИТИ, 1999.
34. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. -Т.: Консаудитинформ, 2001.
35. Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение. –М.: ЮНИТИ, 2002.
36. Якуббоев О. Солиқ механизми ва солиқ юқи. //Солиқ тўловчининг журнали. 1996.
37. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: 2003.
38. Умаров Б. «Корхоналар мол-мулкига солиқ: муносабат, мулоҳаза, таклиф», Солиқ тўловчининг журнали. 2001. №1.
39. Property Tax Reform. Ed: George E. Peterson. USA. 1973. Pg: 18-23
40. Property Tax Relief. Ed:Steven David Cold. Pg: 2-4, 29-31.
41. www.mf.uz
42. www.nalog.uz
43. www.cer.uz
44. www.yahoo.tax.and.taxation.com.
45. www.tax.system.ru